



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI FAVQULODDA VAZIYATLAR VAZIRINING BUYRUG‘I

447-son

2020-yil “30” dekabr

Toshkent shahri

Вазирлик тизимида Давлат харидлари соҳасида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида

Вазирлик тизимида коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини ошириш, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармонида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва самарали бажарилишини вазирлик тизимида таъминлаш ҳамда вазирлик тизимида Давлат харидлари соҳасида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш, бунга шароит яратиб бераётган омилларни, бюджет маблағларининг сарфланиши жараёнидаги талон-торожликларни бартараф этиш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишининг 1-сонли Баённомаси ижроси бўйича Давлат харидлари соҳасида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирларнинг “Йўл харитаси” ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазирлик тизимида Давлат харидлари соҳасида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирларнинг “Йўл харитаси” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Молия-иқтисод бошқармаси (подполковник Д.Усманов) вазирлик тизимида Давлат харидлари соҳасида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирларнинг “Йўл харитаси” ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича маълумотлар белгиланган муддатларда Коррупцияга қарши курашиш агентлигига тақдим қилиб борилсин.

4. Республика моддий-техник таъминот маркази (полковник А.Абдусаматов), Моддий-техник таъминотни ташкил этиш бошқармаси (полковник О.Ҳазратқулов), Капитал қурилиш ва таъмирлаш бошқармаси

(полковник Ф.Намазов), Ишлар бошқармаси (полковник Ф.Азизов) ҳамда худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар бошлиқлари:

доимий равишда вазирлик тизимида Давлат харидлари соҳасида коррупцион хавф-хатарларнинг олдини олиш, соҳа ходимлари ўртасида коррупцияга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш ва жамоатчилик назорати таъминлансин;

Давлат буюртмачисининг харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул бўлган шахснинг малакасини мунтазам равишда ошириб бориш йўлга қўйилсин;

Давлат харидлари соҳасида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш таъминлансин.

5. Ишлар бошқармаси (полковник Ф.Азизов):

ушбу буйруқнинг электрон матни худудий бошқармалар ва таркибий тузилмаларга ҳимояланган “Е-хат” тизими орқали юборилсин ҳамда “Гермес” ахборот тизимига жойлаштирилсин;

буйруқ вазирлик шахсий таркибининг тегишли қисмига етказилсин.

6. Мазкур буйруқ талабларининг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг молия-иқтисод ва моддий-техник таъминот бўйича ўринбосари майор А.Латифжонов зиммасига юклатилсин.

Вазир в.б.
генерал-лейтенант



Т.Худайбергенов

Вазирлик тизимида Давлат харидлари соҳасида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга
ошириш юзасидан чора-тадбирларнинг
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
1.	Давлат харидларида “Комплаенс-назорат” тизimini такомиллаштириш.	<p>1. Вазирлик коррупцияга қарши “Комплаенс-назорат” йўлга қўйиш.</p> <p>2. “Комплаенс-назорат” тизими ходимларининг зарур кўникмаларига таъминлашга машғулотларида иштирок этиш.</p> <p>3. Вазирлик “Комплаенс-назорат” самарадорлигини баҳоловчи рейтинг жорий қилиш, юқори самарадорликка эришган иш тажрибасини амалиётини жорий қилиш.</p>	2021 йил давомида	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорликда РМТТМ, МТТТЭБ, КҚваТБ, ИБ, худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар
2.	Хорижий мамлакатларнинг тажрибасини ўрганган ҳолда намунавий тендер (танлов) ҳужжатларини ишлаб чиқиш.	Намунавий тендер (танлов) ҳужжатларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш жараёнларида иштирок этиш.	2021 йил июль	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорликда РМТТМ, МТТТЭБ, КҚваТБ, ИБ

3.	<p>Давлат буюртмачисининг харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул бўлган шахснинг малакасини мунтазам равишда ошириб бориш.</p>	<p>1. Давлат харидлари бўйича давлат буюртмачиларини ўқитиш. 2. Масофавий ўқитиш тизимини яратиш ва амалиётга жорий қилишда иштирок этиш.</p>	<p>2021 йил давомида 2021 йил 2-ярим йилда</p>	<p>Молия вазирлиги билан ҳамкорликда РМТТМ, МТТТЭБ, КҚваТБ, ИБ, худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар</p>
4.	<p>Давлат харидларида кенг рақобат мухитини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш мақсадида, етказиб берувчиларнинг харид тартиб-таомиллари бўйича малака ва кўрикмаларини ошириб бориш.</p>	<p>Етказиб берувчиларни давлат харидларида иштирокини янада кенгайтириш мақсадида тизимли семинар ва тренингларда иштирок этиш.</p>	<p>2021 йил давомида</p>	<p>Молия вазирлиги билан ҳамкорликда РМТТМ, МТТТЭБ, КҚваТБ, ИБ, худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар</p>
5.	<p>Давлат харидларида инсон омиллини қисқартириш мақсадида давлат харидларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш чораларини кўриш.</p>	<p>1. Тендер (танлов) савдоларини электрон шаклда ўтказиш бўйича давлат буюртмачиларини ўқитишда иштирок этиш. 2. Тендер (танлов) савдоларини мажбурий тартибда электрон шаклда амалга ошириш механизминини йўлга қўйиш.</p>	<p>График асосида 2021 йил сентябрь</p>	<p>Молия вазирлиги, махсус ахборот портали билан ҳамкорликда РМТТМ, МТТТЭБ, КҚваТБ, ИБ, худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар</p>
6.	<p>Давлат харидлари бўйича ахборотнинг ошқоралиги ва эркинлигини ошириш мақсадида, давлат харидлари тўғрисидаги барча ахборот тўплаш, унга ишлов бериш ва уни таҳлил қилиш ҳамда барча манфаатдор шахсларга ундан фойдаланишни таъминлайдиган ягона маълумотлар базасини ташкил этиш.</p>	<p>Давлат харидлари бўйича марказий ахборот порталига уланиш ва амалиётга босқичма-босқич жорий қилиш.</p>	<p>2021 йил декабрь</p>	<p>Молия вазирлиги билан ҳамкорликда РМТТМ, МТТТЭБ, КҚваТБ, ИБ, худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар</p>

7.	Давлат харидларига жалб этиладиган экспертлар билан муносабатларни тартибга солиш.	Танлов ва тендер савдолари бўйича хулоса бериш учун жалб этиладиган экспертлар билан шартномавий муносабатларга ўтишни таъминлаш ва ушбу шартномаларга коррупцияга қарши банд киритиш.	2021 йил июль	Молия вазирлиги билан ҳамкорликда РМТТМ, МТТТЭБ, КҚваТБ, ИБ, худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар
8.	“Давлат харидлари” Қонунининг янги таҳрири асосида қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш.	Янги таҳрирда харид тартиб-таомиллари юзасидан вазирлик тизимида қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжати ишлаб чиқиш.	2021 йил июль	Молия вазирлиги билан ҳамкорликда РМТТМ, МТТТЭБ, КҚваТБ, ИБ, худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар
9.	Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши ишчи органининг Давлат органлари, вазирлик ва идораларнинг маълумотлар базасидан фойдаланиш.	1. Электрон ахборот тизимлари ва ресурсларига уланишни ташкил қилиш орқали доимий масофавий мониторингни йўл қўйиш. 2. Коррупцияга қарши курашиш жараёнини таҳлилий ахборот билан таъминлаш учун зарур маълумотларни автоматик режимида тақдим қилишни йўлга қўйиш.	2021 йил январь График асосида	Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорликда РМТТМ, МТТТЭБ, КҚваТБ, ИБ, худудий бошқармалар ва таркибий тузилмалар
10.	Амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни жамлаш ва мунтазам равишда Коррупцияга қарши курашиш агентлигига тақдим этиб бориш.	Ўтказилган назорат тадбирлари тўғрисидаги маълумотларни жамлаш тизимини ишлаб чиқиш ва маълумотларни Коррупцияга қарши курашиш агентлигига тақдим қилиш.	2021 йил давомида	Молия-иқтисод бошқармаси